

## **БУХОРО ВИЛОЯТИ ҒИЖДУВОН ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ ДОРИХОНАНИНГ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНОТИНИ ЎРГАНИШ.**

### **3.Ш. Хидоятова.**

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси.

**Мақсад:** Бухоро вилояти Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли дорихонанинг дори воситалари билан таъминотини ўрганиш.

**Усуллар:** дорихонанинг дори воситалар билан таъминот кўрсаткичларини йиллар бўйича қиёсий усулда тахлилини ўтказиш.

**Натижалар:** Бухоро вилояти Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли шифохонада 7 та бўлим фаолият кўрсатиб келмоқда: Тез тиббий ёрдамнинг жарроҳлик бўлими, тез тиббий ёрдамнинг жонлантириш бўлими, тез тиббий ёрдамнинг терапия бўлими, қайт тиклаш бўлими, неврология бўлими, болалар ва терапия бўлимлари. Бўлимларидаги ўринлар сони 2005-2006-2007 йилларда ўзгармаган, яъни 190 та ўринни ташкил этган. Шифохонага давлат бюджети томонидан ажратилган маблағ 2005 йилда 22 миллион сўмни, 2006 йилда 32 миллион сўмни, 2007 йилда эса 40 миллион сўмни ташкил этган. Асосий бўлимларидан терапия бўлимига 2005 йилда 680 минг сўм, 2006 йилда 720 минг сўм давлат бюджетидан маблағ ажратилган, яъни 2005 йилга нисбатан 105,8 % ни ташкил этади. 2007 йилда 780 минг сўм маблағ ажратилган, бу эса 108,3 % ни ташкил этади. Болалар бўлимига 2005 йилда 580 минг сўм, 2006 йилда 614 минг сўм, 2007 йилда эса 650 минг сўм маблағ ажратилган. Йиллар бўйича солиштирсак, 105,9 % ни ташкил этади. Дорихонада 20 турдаги дори воситалари тайёрланади. (новокаин 0,5 %, глюкоза 5 %, 10 %, 20 %, аминаокапрон кислотаси 5 %, анальгин 25 % ли, димедрол 1% ли, фурациллин 1/5000, аскорбин кислотаси эритмалари ва х.к). Дорихонанинг болалар бўлимида беморнинг ўзи олиб келган дори воситалари 10 % ни, мурувват ёрдамига келтирилган дори воситалари 5 % ни, бюджет орқали олинган дори воситаларини 55 % ни, кредитга олинган дори воситалари 30 % ни ташкил этиши аниқланди. (2005-2006-2007 йиллар учун).

Дорихонанинг терапия бўлимида 2005 йилда беморнинг ўзи олиб келган дори воситалари 20 % ни, мурувват ёрдамига келтирилган дори воситалари 5 % ни, бюджет орқали олинган дори воситаларини 60 % ни, кредитга олинган дори воситалари 20 % ни ташкил этиши аниқланди. (2005-2006-2007 йиллар учун). Шифохонанинг болалар ва терапия бўлимлари учун 20 га яқин асосий дори воситалари талаб қилинган (цефтриоксон 0,5, цефазолин 1,0, бензилпенициллин 1,0, эуфиллин 2,4%-10,0, дисоль 200,0, инфузол 250,0 ва х.к). Талаб қилинган дори воситаларининг ўртача 72 % и беморларга ажратилган.

**Хулосалар:** Бухоро вилояти Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли дорихонанинг дори воситалари билан таъминоти ўрганилди. Шифохонанинг болалар ва терапия бўлимларида касаллик варақаларини ўрганиш натижасида энг кўп учрайдиган касалликлар аниқланди (нафас олиш, ошқозон-ичак, эндокрин, юрак қон томир, буйрак системаси ва кам-қонлик касалликлари).

## **“ОНА ВА БОЛА” МАРКАЗИГА ҚАРАШЛИ ДОРИХОНА ФАОЛИЯТНИНГ ТАҲЛИЛИ.**

### **3.Ш. Хидоятова.**

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси.

**Мақсад:** ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида даволаш профилактика муассасаси дорихоналари фаолиятини ўрганиш долзарб муаммолардан биридир. Шу муносабат билан “Она ва бола” марказига қарашли дорихона фаолияти таҳлил қилинди.

**Усуллар:** даволаш профилактика муассасаси дорихонаси фаолияти кўрсаткичларини йиллар бўйича қиёсий усул ёрдамида таҳлилинини ўтказиш.

**Натижалар:** “Она ва бола” ҳудудий даволаш реабилитацион маркази 1983 йилда ташкил топган бўлиб, даволаш профилактика муассасаси дорихонаси ҳам худди шу йили очилди. Шифохона ва дорихона давлат бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобига қурилган ва ишга туширилган. Дорихонага дастлабки йилларда Анвар Хайдаров раҳбарлик қилган. 1985 йилда мудирлик лавозими Камолиддин Исоқовга топширилган. 1993 йилдан буён Ёқутхон Юнусова раҳбарлик қилиб келмоқда. Дорихонанинг устав фонди 2004 йилда 321 млн. сўм, 2005 йилда 383 млн. сўм, 2006 йил 421 млн. сўмни ташкил этган. Дорихонадаги хоналарнинг умумий квадрат метри 471,39 м<sup>2</sup> ни ташкил этиши аниқланди. Дорихонадаги кичик механизация воситалари ҳам ҳозирги замон талабларига жавоб беради. Улар қуйидагилар: автоклав ВК-30, бактерицид лампа ВЛР – 12, вентилиацион ускуна, қуритгич шкафи, газ плитаси, дистиллятор, бикслар. Дорихонадаги кичик механизация воситаларини ювиш ва зарарсизлантириш тартиби Сан-Пин № 0152-04 талабларига жавоб беради. “Она ва бола” марказига қарашли дорихонада 27 турдаги дори воситалари тайёрланади. Инъекция учун эритмаларнинг 16 тури, ичиш учун дори воситаларининг 4 тури, ташқи қўллаш учун тайёрланадиган дори воситаларининг 4 тури ва 3 хил қуқун дори воситалари (глюкозанинг 5 %, 10 % ли, новокаиннинг 0,5 % ва 0,25 % ли, пероксид 3 %, 6 % ли эритмалари ва х.к.). Дорихонада тайёрланадиган дори воситаларининг 59,30 % ини инъекция учун тайёрланадиган эритмалар, ичиш ва ташқи қўллаш учун дори воситалари 29,60 % ни, қуқунлар эса 11,10 % ни ташкил этади. Дорихонада қуйидаги ходимлар штати мавжуд: дорихона мудир, фармацевт-аналитик, фармацевт, фармацевт-технолог, қадоқловчи, санитарка-ювувчи. Дорихонанинг маош фонди 2004 йилда 12 млн. сўмни, 2005 йилда 18 млн. сўмни, 2006 йилда 23 млн. сўмни ташкил қилган. Бўлимлар сони 15 та, бўлимлардаги ўринлар сони 310 тани ташкил этган.

**Хулосалар:** “Она ва бола” марказига қарашли дорихонанинг фаолияти таҳлил қилинди. Дорихонанинг фаолиятини характерлаб берувчи барча кўрсаткичлар Сан-Пин ва бошқа меъёрий техник хужжат талабларига жавоб беради. Бу маълумотларни биз дорихонанинг ҳисобот маълумотларидан олишга муваффақ бўлдик.